

## 2024 йилги ҳаж мавсуми 23 майдан бошланади



15:20 / 16.05.2024 1764

Ўзбекистонда ҳаж мавсуми 2024 йил 23 майдан бошланади, Республикамиздан Саудия Арабистони Подшоҳлигига 7 июнга қадар ҳар куни авиақатновлар қўйилади.

Зиёратчилар мамлакатимизнинг 10 та ҳудудий аэропортидан «Uzbekistan Airways» авиакомпаниясининг Тошкент-Мадина, Бухоро-Мадина, Наманган-Мадина, Фарғона-Мадина, Самарқанд-Мадина, Қарши-Мадина, Термиз-Мадина, Урганч-Мадина, Нукус-Мадина ва Навоий-Мадина авиарейслари орқали ҳаж сафарига кузатилади.

Ҳаж ва умрани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика жамоатчилик кенгаши жорий мавсумга тайёргарлик ишларини турли йўналишларда

жадал давом эттирмоқда. Жумладан, зиёратчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, эмлаш, гуруҳларга раҳбарлар бириктириш, сафар олдидан машғулотлар ўтказиш, шифокор ва ошпазлар гуруҳини жалб этиш, сафар ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари якунига етказилмоқда.

Шу кунларда гуруҳ раҳбарлари зиёратчилар билан ҳаж арконлари ҳақида суҳбат қилмоқда. Ҳар бир зиёратчига «Ҳаж – буюк ибодатдир» номли қўлланма, нимча кабилар тақдим этилмоқда.

Мавсумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида дастлабки ишчи гуруҳ Саудия Арабистонига етиб бориб, айна кунларда барча ташкилий ишларни бажармоқда.

Ўзбекистон муслмонлари идорасининг сайти ва ижтимоий тармоқ саҳифаларида ҳаж амаллари ҳақидаги туркум суҳбатлар, тавсиялар, мақолалар, шаръий савол-жавоблар эълон қилинмоқда.